

Аллоҳнинг ҳузурида халойиқнинг энг ёмони



18:00 / 15.08.2021 2611

هُلَّلَ لَيْلَةَ هَلَلِ لَوْلُوسَ رَلْ تَرَكَ ذَمَّ لَسْمٌ مُنَّ أْنَ عُهُلَلِ لِي صَرَءَ شَائِعٌ نَع
هُلْ تَرَكَ ذَفُّ رَامِ أَلْ لُقِيَّ شَبَّ حَلِّ صُرَّابِ أَوْتَارَةَ سَيَنْكَ مَلَسَوْ وَيَلَع
مُوقَكَيْلُؤُا : مَهْنَعِ هَلَلِ لِي صِرَّ هَلَلِ لَوْلُوسَ رَلْ أَقَفِ رَوْصَلَلِ نَمِ أَيْفِ تَارَامِ
أَدْحَسَمِ رُبَقِ يَلَعِ أَوْنَبِ حُلْصَلَلِ لُجْرَلِ وَأُحْلِصَلَلِ دَبْعَلِ لِمَيْفِ تَامِ إِدِإِ
يَلَّاعِ تَهَلَلِ لِدُنْ عَقْلِ حَلِّ رَارِشِ كَيْلُؤُا رَوْصَلَلِ كَلَّ تَهَيْفِ أَوْرَوْصَوْ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Умму Салама Набий соллаллоху алайҳи васалламга Ҳабашистон ерида Мория деб аталадиган черковни кўрганлигини ва унинг ичида суратлар кўрганлигини зикр қилди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ана ўшалар ичларидан солиҳ банда ёки солиҳ киши ўлса, унинг қабри устига масжид қуради ва ичига ўша суратларни солар эдилар. Ана ўшалар Аллоҳ таолонинг ҳузурида халойиқнинг энг ёмонларидир», дедилар».

Шарҳ: Умму Салама онамиз биринчи эрлари Абу Салама ва бир гуруҳ мусулмонлар билан бирга, Ҳабашистон ерларига хижрат қилган эдилар. Ўша вақтда Ҳабашистон насроний юрт бўлиб, унга Нажоший исмли эътиқодли одам подшоҳлик қилар эди.

Шунинг учун ҳам Макка мушриклари зулмидан эзилган мусулмонларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша жойга ҳижрат қилишни тавсия қилган эдилар.

Абу Салама розияллоҳу анҳу Мадинаи мунавварага қайтиб келганларидан кейин вафот этадилар. У кишининг қолган ёш болаларини тарбиялаш мақсадида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама онамизга уйланадилар.

Кунлардан бир куни Умму Салама онамиз Ҳабашистон ерларида ўзлари кўрган Мория канисаси ва ундаги суратлар ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга гапириб берадилар ва у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисни айтадилар.

Унда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам насоролар канисасида одамларнинг суратлари қандай пайдо бўлганлики ва нима сабабдан улар ана шу суратларга ибодат қилишларини тушунтириб берадилар.

«Ана ўшалар ичларидан солиҳ банда ёки солиҳ киши ўлса, унинг қабри устига масжид қураб ва унинг ичига ўша суратларни солар эдилар».

Демак, аҳли солиҳ кишиларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида қилинган нотўғри ишлар ибодатда ҳам адашувга сабаб бўлган.

Мазкур адашувнинг биринчи қисми солиҳ кишиларнинг қабрлари устига ибодатхона қуришдир.

Иккинчиси эса ибодатхона ичига солиҳ бандани эслаб туриш ниятида солинган суратлар бўлган. Кейин аста-секин, вақт ўтиши билан биринчи авлод мазкур суратларга ҳурмат билан қараётганини кўрган иккинчи авлод ўзидан бир оз қўшиб, учинчиси яна зиёда қилиб, охири уларга ибодат қилиш даражасига етишган.

Бу одат насороларда бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Улар ўз ўлчовларидаги бир неча солиҳ кишилар ўлганларидан кейин уларнинг номларини кўтара-кўтара, охири муқаддас авлиё деб эълон қилишгача бориб етдилар. Бошқа баъзиларини эса худди шундай даражага кўтариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

«Ана ўшалар Аллоҳ таолонинг ҳузурида халойиқнинг энг ёмонларидир».

Шунинг учун уларнинг қилганларини қилмаслик керак. Солиҳ кишиларнинг қабрлари устига масжид қуриб олмаслик, ибодат қилинадиган жойларга

жонзотларнинг суратларини қўймаслик керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди